

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

41 Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш, ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашишнинг республика ҳудудида ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари давлат статистик ҳисоботини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига юклансин.

4. Ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари давлат статистик ҳисоботини юритишнинг автоматлаштирилган компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 февраль,
13-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 3 февралдаги 13-сон қарорига
ИЛОВА

**Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш,
шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда
ўзаро алмашиш тартиби ҳақида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Давлат статистикаси тўғрисида» ва «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашишнинг ягона тартибини белгилайди.

2. Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш (бундан буён матнда «ёнғинларни ҳисобга олиш» деб юритилади) ёнғинларнинг сабаблари ва келиб чиқиш шароитларини таҳлил қилиш, аҳоли турар жойлари ва объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш, ёнғинларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек ёнғинларни ўчиришга шароитлар яратиш мақсадида олиб борилади.

II. Асосий тушунчалар

3. Мазкур Низомда, қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёнғин — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш;

ёниш — ҳеч бўлмаганда қуйидаги учта омилдан бири: аланга, ёруғлик (нур) сочиш, тутун ажратиб чиқариш билан кузатиладиган, модданинг оксидланиш экзотермик реакцияси;

чақнаш — қисқа муддатли кўринадиган ёруғлик (нур) сочиш билан кузатиладиган газ, буғ ва ҳаво аралашмасининг ёнувчан модданинг юзасида тез ёниши;

портлаш — ҳаракатга келтира оладиган, сиқилган газларнинг пайдо бўлиши ва энергия ажралиши билан кузатиладиган, портлаш хавфи бўлган муҳитнинг тез экзотермик кимёвий ўзгариши;

ёнғиннинг хавфли омиллари — таъсири одамларнинг куйишига ёки бошқа тан жароҳати олишига, тутун асоратлари билан заҳарланишга ёки ҳалок бўлишига ва (ёки) мулкӣ зарар етказишга олиб келиши мумкин бўлган ёнғин аломатлари. Ёнғиннинг хавфли омилларига юқори ҳарорат, тутун билан қопланиш, газ муҳити таркибининг ёмонлашиши киради;

ёнғин оқибатлари — одамларнинг ҳалок бўлиши; тан жароҳати олиши, заҳарланиши; куйиши, ҳайвонларнинг нобуд бўлиши; бинолар, иншоотлар, товар-моддий бойликлар, асбоб-ускуналар, ҳужжатлар, санъат асарлари, уй жиҳозларининг буткул ёниб кетиши ёки зарарланиши, атроф табиӣ муҳитга зарар етказиш;

ёнғинда ҳалок бўлган — бевосита ёнғин содир бўлган жойда куйиш, ёниш ва тутун асоратларидан заҳарланиш, қурилиш конструкцияларининг қулаши оқибатида олган тан жароҳатлари ва бошқа омиллар натижасида ёки тиббиёт муассасаларида даволаниш даврида тан жароҳатини олган кундан бошлаб 30 сутка ичида ҳалок бўлган шахс. Бу врачлар кўриги ҳулосаси ёки суд-тиббий экспертизаси натижаси асосида аниқланади;

ёнғинда жабрланган ва тан жароҳати олган — куйиш ёки бошқа тан жароҳати олиши, ёниш асоратларидан заҳарланиши туфайли камида бир кунга меҳнат қобилиятини йўқотган, ёки касалхонага ётқизилган, ёхуд биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг қатнаб даволаниш (амбулаторияда) буюрилган шахслар;

бадан шикастланиши (жароҳат) — одам аъзолари ва тўқималарининг анатомик бутунлиги ёки физиологик фаолиятининг бузилиши;

ёнғиндан етказилган мулкӣ зарар — ёнғиндан зарарланган ёки нобуд бўлган моддий бойликларнинг қиймат ифодаси;

нобуд бўлган моддий бойликлар — ёнғин оқибатида ўз қиймати ва сифатини тўлиқ йўқотган, белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган ва таъмирлаш йўли билан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бўлмайдиган моддий бойликлар;

зарарланган (шикастланган) моддий бойликлар — тиклаш (таъмирлаш) йўли билан фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бўладиган моддий бойликлар;

бевосита ҳақиқӣ талафотлар — ёнғиннинг хавфли омиллари бевосита таъсири оқибатида нобуд бўлган ва (ёки) зарарланган (шикастланган) моддий бойликларнинг пул билан баҳоланган ифодаси;

экстерриториаллик мақомига эга объектлар — дипломатик муносабатлар ҳақидаги (1961 йил 18 апрелдаги) Вена конвенциясининг ҳамда консуллик муносабатлари ҳақидаги (1963 йил 24 апрелдаги) Вена конвенциясининг низомларига асосан иммунитетга эга бўлган чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг хоналари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатхоналари ва ихтисослаштирилган муассасалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг хоналари, агар

уларнинг хоналарига иммунитетларнинг жорий этилиши шартлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган бўлса.

Экстерриториаллик мақомига шу жумладан дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг транспорт воситалари ҳам эга.

Экстерриториаллик мақоми хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ходимлари ва хизматчилари эгаллаган турар жойларга, шунингдек уларнинг шахсий транспорт воситаларига жорий этилмайди.

III. Ёнғинларни ҳисобга олиш

4. Ёнғинларни давлат статистик ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасида ёнғинлар вазиятини баҳоловчи асосий кўрсаткичларни тузиш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

давлат статистик ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати деб юритилади) томонидан амалга оширилади;

идоравий статистик ҳисобга олиш ушбу Низомнинг 6-банди «б», «в», «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган тегишли давлат ёнғин назорати ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади ва содир бўлган ёнғинлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган шаклда улар томонидан ҳар ойнинг 10-қунигача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасига тақдим этилади.

5. Ёнғинлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш шакли Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспектори томонидан белгиланади.

Давлат ва идоравий статистик ҳисобга олиш натижаларини умумлаштириш ва ишлов бериш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан автоматлаштирилган компьютер дастурида амалга оширилади.

Давлат ва идоравий статистик ҳисобга олиш натижалари бўйича ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида қуйидаги ахборот-статистик ҳисоботлар тайёрланади:

ҳар ойда — мазкур Низомнинг 6-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган ваколатли органлар томонидан;

ҳар йилда — мазкур Низомнинг 6-банди «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган ваколатли органлар томонидан.

6. Ёнғинларни ҳисобга олишни қуйидагилар амалга оширади:

а) Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг давлат ёнғин назорати органлари — аҳоли турар жойларида ва давлат ёнғин назоратини ўзи амалга оширадиган объектларда ҳамда транспорт воситаларида, агар ёнғин улар ҳаракатланиб кетаётган вақтда ёки вақтинчалик тўхташ жойларида (улар аниқланган жойда) содир бўлса, тегишли ваколатли органлар томонидан ҳисобга олинган транспорт воситаларидаги ёнғинлар бундан мустасно;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармасининг давлат ёнғин назорати органлари — темир йўл транспортининг ҳаракатдаги составида ва давлат ёнғин назоратини амалга оширадиган объектларда;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасининг давлат ёнғин назорати органлари — жазони ижро этиш муассасаларида;

г) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати — ўзига қарашли объектларда;

д) Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан тузилган келишувлар орқали ёнғин хавфсизлиги соҳасида назорат функцияларини амалга оширадиган бошқа ваколатли органлар — ўрмон хўжалиги ҳудудларида, кон қазилмалари ва шахта иншоотларида, портловчи материаллар ишлаб чиқарилаётганда, ташилаётганда, сақланаётганда, улардан фойдаланилаётганда ва улар утилизация қилинаётганда, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллардан фойдаланган ҳолда портлатиш ишларини олиб боровчи ташкилотларда, ҳаво, сув, темир йўл, автомобиль транспорти ҳамда электр транспортдан фойдаланишда.

7. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, барча ёнғинлар, уларнинг қаерда содир бўлганидан, келиб чиқиш сабабидан ва оқибатидан қатъи назар ҳисобга олинади.

8. Қўйидаги ҳолатлар ҳисобга олинмайди:

а) ишлаб чиқаришда ўзига хос бўлган технологик жараёндаги (технологик регламентларда ва бошқа техник ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган) ёки саноат ускуналари ва агрегатларининг ишлаш шароитида келиб чиқадиган ёнишлар;

б) буюм ва маҳсулотларни қайта ишлаш, уларнинг сифат хусусиятларини ўзгартириш (пайвандлаш, қуритиш, дазмоллаш, дудлаш, эритиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) мақсадида қўлланиладиган очиқ аланга, иссиқлик ёки бошқа турли термик таъсирларни қўллаш натижасида ёнишлар;

в) оқибати ёнишга олиб келмаган портлаш, чакнаш ва статик электр разрядлари;

г) электрускуна, маиший ва саноат электр асбобларининг электр тармоқларидаги қисқа туташув ҳолатлари, агар ёниш аппарат, агрегат ва механизм ташқарисига тарқалмаган бўлса;

д) овқат тайёрлаш вақтида унинг ёниши ҳоллари, агар ёнғинга олиб келмаган бўлса;

е) йўл-транспорт ҳодисалари, авиация ва темир йўл ҳалокатлари сабаб бўлган транспорт воситаларининг ёниши;

ж) форс-мажор ҳолатлар (террорчилик ҳаракатлари, ҳарбий ҳаракатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махсус операциялари, зилзила ва бошқалар) сабаб бўлган ёнишлар;

з) ўз-ўзига ўт қўйиш орқали ўз жонига қасд қилиш ва суиқасд қилиш ҳоллари;

и) чўғ бўлиб турган кўмир ва ўчмаган кулдан термик қуйиш, тан жароҳати олиш ҳоллари;

к) Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахсларига моддий зарар етказилган ёки бошқа оқибатлар рўй берган ҳолатлардан ташқари, экстерриториаллик мақомига эга бўлган объектларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий давлатларга қарашли транспорт воситаларида содир бўлган ёнғинлар. Бундай ёнғинлар ҳақидаги маълумотлар тегишли дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига юборилади.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида санаб ўтилган ҳолатлар ёнишнинг бошқа объектларга тарқалишига олиб келса ва унинг оқибатида одамларнинг тан жароҳати олиши, ҳалок бўлишига, ёхуд моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланишига олиб келса тўлиқ ҳисобга олинади. Бошқа ҳолларда эса, ушбу Низомнинг 8-банди «ж» кичик бандидан ташқари, барча ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари кўнгилсиз ҳодиса деб ҳисобланади ва тегишли органлар томонидан белгиланган тартибда текшириш ишлари олиб борилади ва ҳисобга олинади.

10. Ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда фуқаролар ҳар бир ёнғин ҳолати ҳақида ёнғиндан сақлаш хизматига, давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органларига ёки тегишли ваколатли органларга дарҳол хабар қилишлари, шунингдек уларни текшириш жараёнида зарур бўлган материалларни (ҳужжатларни) тақдим этишлари шарт.

11. Транспорт воситаларидаги ёнғинлар, ёнғин содир бўлган жойда ҳисобга олинади.

12. Ёнғин ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжат ёнғин ҳақидаги далолатнома бўлиб, у ёнғин бартараф этилгандан сўнг бир сутка давомида икки нусхада тузилади ва ёнғиндан сақлаш хизмати вакили бошчилигидаги камида 3 нафар шахсдан иборат комиссия томонидан имзоланади.

Далолатномани тузиш комиссияси таркибига объектнинг маъмурияти (эгаси) вакиллари ёки жабрланувчилар, зарур ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, суғурталовчилар, ички ишлар органларининг тегишли хизматлари вакиллари ҳамда бошқалар кирази.

13. Агар, ёнғинга ёнғин ўчириш бўлинмаси чақирилмаган бўлса ва ёнғин содир бўлганлиги ҳақидаги (оғзаки ёки ёзма) маълумот ички ишлар ёки давлат ёнғин назорати органларига объектнинг маъмуриятидан, фуқаролардан (жабрланувчилардан) берилган бўлса, ёнғин ҳақидаги далолатнома икки суткадан кечиктирилмасдан, ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган комиссия таркибида тузилади.

14. Ёнғинда ҳалок бўлганларни ва тан жароҳати олганларни ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ваколатли органлар, ёнғинни текшириш бўйича тузилган ҳужжатларга ҳамда тиббиёт муассасалари томонидан берилган маълумотларга асосан ҳисобга оладилар.

Ёнғинда ҳалок бўлган ҳамда жабрланган чет эл фуқаролари давлат статистик ҳисобига киритилмайди. Улар тўғрисидаги маълумот тегишли дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига юборилади.

Тиббиёт муассасалари ёнғинларда жабрланган, тиббий ёрдам кўрсатиш учун олиб келинган ёки мурожаат қилган, шу жумладан ёнғинларда захарланиб ёки тан жароҳати олиб ҳалок бўлганлар ҳақида дарҳол Давлат ёнғин

хавфсизлиги хизматига хабар беришлари шарт, шунингдек одамлар ёнгинларда ҳалок бўлганлиги ёки тан жароҳати олганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ёнгинлар юзасидан текширув (суриштирув) ҳаракатини олиб бораётган мансабдор шахсларга тақдим этишга мажбурдирлар.

IV. Ёнгиндан етказилган мулкий зарарни ҳисобга олиш

15. Ёнгиндан етказилган мулкий зарар, қопланган ёки қопланмаганлигидан қатъи назар тўлиқ ҳисобга олинади.

16. Юридик ва жисмоний шахсларнинг асосий фондлари ҳисобланган бино ва бошқа мол-мулки нобуд бўлиши ва зарарланиши (оловдан, тутундан, катта ҳароратдан, ёнгин ўчириш воситаларидан, портлашдан — агар портлаш натижасида ёнгин рўй берган бўлса) ёнгин билан ҳамда атроф табиий муҳитга зарар етказиш билан боғлиқ бўлиб, талафот кўрган деб топилса, етказилган мулкий зарар бевосита кўрилган талафотлар миқдори билан аниқланади.

17. Етказилган мулкий зарар миқдоридан келиб чиқиб, ёнгинлар қўйидагиларга бўлинади:

а) кўп бўлмаган миқдорда зарар етказган ёнгин (энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача бўлган зарар);

б) анча миқдорда зарар етказган ёнгин (энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар);

в) кўп миқдорда зарар етказган ёнгин (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар);

г) жуда кўп миқдорда зарар етказган ёнгин (энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор).

18. Мулкий зарарни аниқлашда ишлаб чиқариш ва савдо ишларидаги вақтинчалик тўхташлар, ҳаракатдаги состав ва бошқа техниканинг ўзгариши натижасида кўрилган (билвосита) йўқотишлар ва ёнгин сабабли олинмаган бошқа фойда ҳисобга олинмайди.

19. Давлат ёнгин назорати органлари ёнгинлардан етказилган зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслар ва суғурталовчилар томонидан берилган маълумотлар, судларнинг ҳукмларидан кўчирмалар ёки етказилган моддий зарар миқдорини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар илова қилинган мулк эгаларининг ёзма аризаларига асосан ҳисобга оладилар.

Маълумотда қўйидагилар мажбурий тартибда алоҳида кўрсатилади: ёнгиндан етказилган умумий зарар, бино (иншоот) бўйича зарар, ускуналар ва мулк бўйича зарар.

Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига тегишли ҳужжатларга имзо чеккан шахс жавоб беради.

20. Ўзига қарашли объектларда ёнгин содир бўлган юридик шахслар ёнгиндан етказилган мулкий зарар миқдорини тасдиқловчи маълумотни давлат ёнгин назорати органларига тақдим этишлари шарт.

Суғурталовчилар давлат ёнгин назорати органларининг сўрови бўйича суғурталовчиларнинг ёзма розиликларига асосан суғурта шартномалари

шартларига мувофиқ ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари туфайли келиб чиққан суғурта ҳодисаси бўйича тўланган суғурта товонини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этадилар.

21. Фуқаролар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг суғурта қилинмаган ва нобуд бўлган мол-мулки, иморатлари, ҳайвонларининг, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг ҳақиқий баҳоси ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, мулкий зарар миқдори ўртача бозор нархи бўйича ҳисобланади.

22. Тугалланмаган капитал қурилиш ёки таъмирлаш жараёнида содир бўлган ёнғин натижасида асосий фондларга етказилган мулкий зарар миқдори бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

23. Ёнғинда қоғоз пул нобуд бўлган ҳолларда мулкий зарар миқдори уларнинг номинал баҳосидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Қоғоз пуллар ва (ёки) қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш жараёнида ёнғиндан нобуд бўлган ҳолларда зарар миқдори уларни тайёрлаш таннаридан келиб чиқиб ҳисобланади.

24. Ёнғин оқибатида чет эл валютасига зарар етказилган ҳолларда зарар миқдори ёнғин келиб чиққан пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул бирлиги курсида ҳисобга олинади.

25. Ёнғин оқибатида нобуд бўлган мол-мулкнинг бошқа турлари бўйича мулкий зарар миқдори тегишли мулкнинг спецификасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда ҳисобланади.

V. Ёнғинларни ҳисобга олиш учун жавобгарлик

26. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган органлар, тиббиёт муассасаларининг мансабдор шахслари ва суғурталовчилар ёнғинлар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олиниши ҳамда ҳисобот маълумотлари ўз вақтида тақдим этилиши ва уларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

27. Давлат ёнғин назорати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳамда уларга қарашли ташкилотларда ёнғинлар ҳисоби тўлиқ ва сифатли юритилишини текшириш ҳуқуқига эга.

28. Ушбу Низомнинг 6-банди «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўзларига қарашли объектлар ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар ҳисоби юритилишини назорат қиладилар.

29. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан статистик маълумотлар нотўғри берилганлиги ва (ёки) уларни тақдим этиш тартиби бузилганлиги аниқланса, айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун зарур чоралар кўрилади.

30. Текшириш давомида аниқланган ҳисобга олинмаган ёнғинлар, ёнғинлар юзасидан нотўғри берилган маълумотлар бўйича ҳодиса содир бўлган вақтдаги ёнғинлар бўйича давлат статистик ҳисобига тегишли ўзгартиришлар киритилади.